

8-15-2018

Non-traditional communication as a methodics instrument

G. ROZIKOVA

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

ROZIKOVA, G. (2018) "Non-traditional communication as a methodics instrument," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 23.

DOI: 41+8.08

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss3/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 41+8.08

**НОДАТИЙ БОҒЛАНИШ – УСЛУБИЙ ВОСИТА СИФАТИДА
НЕТРАДИЦИОННАЯ КОММУНИКАЦИЯ КАК МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ
NON-TRADITIONAL COMMUNICATION AS A METHODICS INSTRUMENT**

Г.Розиқова

Аннотация

Мақолада бадиий нутқда қўлланилувчи ноодатий боғланишларнинг услубий хусусиётлари тўғрисида сўз юритилади.

Аннотация

В статье исследуются стилистические особенности нетрадиционных связей словосочетаний, используемых в художественной речи.

Аннотация

Stylistic functions of uncommon connections that are used in literary speech are outlined in this article.

Таъанш сўз ва иборалар: валентлик муносабати, ноодатий боғланиш, оксюморон, атрибутив бирлик, аниқловчи, аниқланмаш, эмоционал бўёқ.

Ключевые слова и выражения: валентность взаимосвязи, нетрадиционные связи, оксюморон, атрибутивное единство, определение, определяемый, эмоциональнауа окраска.

Keywords and expressions: valency relationship, the uncommon connections, oxymoron, attributive unit, attribute, attributing, emotional color.

Валентлик ўзаро синтактик муносабатга киришаётган лексемаларнинг мазмуний мувофиқчилиги қонуниятига асосланади. Бу қонуният синтагматик муносабатга киришаётган ҳар икки лексема мазмуний мундарижасида бир хил семанинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Ўзаро мазмуний боғланувчи икки лексемада тақдорланувчи бир хил семанинг мавжуд бўлиши уларнинг *shy* сема асосида синтагматик муносабатга киришиш имкониютини таъминлайди. Мазмуний мувофиқчиликка эга бўлган лексемалар синтагматик муносабати одатий боғланишни, бунинг акси эса ноодатий боғланишни ҳосил қилади.

Ҳар қандай лексик бирликнинг боғланиш қонуниётлари ва уларнинг дистрибуциюасини ўрганиш семантик таҳлилнинг бoшланғич нуқтаси ва зарурий бoсқичи саналади [2.65-66].

Ноодатий боғланишлар илмий адабиётларда турлича ном билан юритилади: “оксюморон”, “катахреза”, “оказионал бирикмалар”, “ноодатий бирикмалар”, “ғайри одатий бирикмалар”, “номантиқий боғланишлар”, “эмотив валентлик” каби.

Ноодатий боғланиш бир – бирига мос келмайдиган икки лексик бирликнинг

уйғунлашувини англатади. У уанги тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилади.

Ноодатий боғланиш асосида шаклланган бирикмалар услуб жиҳатдан ихчам, мазмунан таъсирли ифода воситаларидан биридир. Улар қисқа ҳамда лўнда синтактик бутунлик ҳисобланиб, матннинг мазмундорлиги ва сержилолигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун уларни илмий жиҳатдан ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиёт касб этади.

Ушбу ҳодиса мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир – бирига мазмунан зид бўлган икки тушунчани ифодаловчи сўзларнинг ўзаро қўшиб қўлланилиши асосида юзага келади ва ўзининг индивидуаллиги, уангилиги, кўникилмаганлиги ҳамда оҳорлилиги билан тасвир ифодавийлигини таъминлайди.

Оксюморон инсон руҳий оламида юз берган қарама-қарши қутбларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Шун боис, у китобхонни ўйлашга, шартли мантиқсизликдан мантиқ топашга мажбур этади, бадиий ликватаъсирчанликни ошириш билан бирга, услубий восита сифатида экспрессив-эстетик таъсир воситасига айланади. Шунинг учун оксюморонга эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарур.

“...оксюморотил ҳодисаси эмас. У тил ҳодисаси сифатида

Г.Розиқова – ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

мантиқсизликни, нутқий ҳодиса сифатида эса мантиқни ифодалайди. SHy билан бирга, ижодкорнинг оксюморондан унумли фойдаланиши – аниқ бир мақсад асосида (билиб туриб) руҳий кечинмани ғайриодатий тарзда баён этиши нутқнинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини oshиради. Бу эса сўзнинг поэтик жилосини ранг-баранг тарзда намоён этади [1.64-66].

Оксюморон асосий мантиқий ва эмоционал маъноларнинг муносабатига асосланган стилистик воситалардан биридир. Оксюморон деганда, биринчидан, атрибутив бирликни тушунамиз. Бундай атрибутив бирликнинг аъзолари мажбуран бирикадилар ва, уларда бири, кishдан кўра бир-биридан узоқlashish аънанаси устунлиги уаққол кўзга tashланади. Масалан: *achchiq shakar, daхsham gўzal, ёқимли хунук shehra, qora nur* каби.

Оксюморон бадий асарларда кам қўлланилади, лекин бу унинг таъсир кучини сусайтирмайди.

Оксюморонда аниқловшининг асосий мантиқий маъноси эмоционал маъно томонидан бартараф этилади. Масалан: *ushбилармон дангаса, achchiq кулгаи, камбағал бой, ёsh қари* каби.

Ushбу сўз бирикмаларида ishлатилган биринчи сўз ўзининг асосий мантиқий маъносини йўқотган ва эмоционал маънода ishлатилган бўлиб, муаллифнинг тасвирланаётган нарсага субъектив муносабатини ифодаловши воситага айланади. Оксюморон сўз бирикмаларида сўзлар муаллифининг нарсага ижобий ёки салбий муносабатини ифодалайди.

SHurин oғриқ, kichкина буюк одам, oғриқли ором каби оксюморонлар ҳам буюқдорлик ва таъсирчанликни oshирish uchун хизмат қилади.

Оксюморонни фақат қарама-қарshi маъноли бирликларнинг бирикувидан ҳосил

бўлади, дейиш тўғри эмас. Умуман, маъно жиҳатдан мос келмайдиган икки бирликнинг бир нутқ кўринишида аниқловчи ва аниқланмиш сифатида қўлланишини оксюморон сифатида тадқиқ этиш мумкин. Бадий асарлардаги бундай қўлланишлар тасвирга эмоционал ва юмористик-сатирик буюқ бахsh этувчи, асарнинг бадий қимматини oshирувчи ифода воситасидир.

Фарёд сўзида “қаттиқ овоз билан йиғlash” семаси мавжуд бўлиб, у одатдаги боғланишда *toyshsiz* сўзи билан сўз бирикмасини ҳосил қилмайди. Рауф Парфи *фарёд* сўзининг маъносига умуман тескари бўлган *toyshsiz* усама сифатини yshбу сўз билан бирга қўллайди: *toyshsiz фарёд*. Ана shунинг ҳисобига лирик қахрамоннинг мураккаб ҳиссий ҳолатига эмфатик интонациуа берилган, бирикма кучли эмоционалликни ифодаловши асосий воситалардан бирига айланган. Худди shундай ҳолатни куйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин: *музлаган олов, ҳавоси сўриб олинган ҳаво* (Р.Парфи), *сокин исён* (SH.Раҳмон), *ғуссага ўралган севинch йўли, shод ҳижрон, ёруғ ғусса* (Иқбол Мирзо), *ижобийроқ ўғри, соқов мулоқот, серсоқолу “бесоқол” улфатлар* (Эркин Аъзам) каби.

Хулоса қилиб айтганда, ноодатий боғланишлар айнан бадий асарлар тилида воқеланади ва тил воситалари заҳирасининг кенгайиши uchун асос бўлади. Демак, аниқловчи ва аниқланмиш ўртасида юзага келган номантиқий боғланишда асосий эътибор аниқловшига қаратилади, chunkи аниқловчи орқали аниқланмишнинг маъноси oshиб берилади. Аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги муносабат натижасида кутилмаган уанги бир маъно юзага келади. Бу эса тасвирга эмоционал буюқ бахsh этади.

References:

1. Do'smatov H., Bazarbaeva N. Zebo Mirzoning oksyumorondan foydalanish mahorati // O'zbek tilshunosligining dolzarb muammolari. -Farg'ona, 2014.
2. Mamajonov A., Nosirova U. Oksyumoron va uning uslubiy-semantik xususiyatlari // Ilm-fan taraqqiyotida olimalarning o'rni. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. -Farg'ona, 2008.

(Тақризчи: А.Мамажонов, филологиуа фанлари доктори, профессор).